

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМИРЗАЕВ ИЛҲОМЖОН ИСРОИЛЖОНОВИЧ**

**Х-ХІІ АСРЛАР МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ  
МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ПРОЦЕССУАЛ ВА НОТАРИАЛ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

**07.00.05 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

<b>Бекмирзаев Илхомжон Исроилжонович</b> X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар.....	3
<b>Бекмирзаев Илхомжон Исроилжонович</b> Процессуальные и нотариальные акты социальных отношений Маверауннахра X-XIII веков.....	29
<b>Bekmirzaev Ikhomjon</b> The procedural and notarial acts about the social relations of Maverannahr in IX-XIII centuries.....	57
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	62

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМИРЗАЕВ ИЛҲОМЖОН ИСРОИЛЖОНОВИЧ**

**Х-ХІІ АСРЛАР МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ  
МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ПРОЦЕССУАЛ ВА НОТАРИАЛ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

**07.00.05 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tar36 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ислом университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Исломов Зоҳиджон Маҳмудович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Уватов Убайдулла Мурадович</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Муминов Аширбек Курбанович</b> тарих фанлари доктори, профессор <b>Ражабова Мавжуда Абдуллаевна</b> юридик фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Шарқшунослик институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: [tiuxab@mail.ru](mailto:tiuxab@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.А.Хасанов**  
Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д.А.Рахимджанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**С.С.Агзамходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган кескин ғоявий курашлар, диний мутаассиблик билан боғлиқ ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш ислом илмларига оид янгича фикр ва ёндашувлар асосидаги демократик тамойилларга мос тадқиқотлар олиб бориш заруратини кучайтирмоқда. Бу борада маърифий ислом, жамият ва инсон ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда уларнинг ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади»<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган мовароуннаҳрлик фақиҳ аллома ва мутафаккирлардан катта хажмдаги ноёб қўлёзма манбалар мерос бўлиб қолган. Ўзбекистон китоб фондларининг ўзида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳали тадқиқотга жалб этилмаган қўлёзма асарлари юртимизнинг, шунингдек, Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон каби кўплаб хорижий мамлакатлардаги кутубхоналарнинг «олтин фонди»ини ташкил этади. Ушбу фондларда юртимизнинг ижтимоий муносабатлари тарихига оид манбаларнинг сақланаётгани уларни илмий муомалага киритиш борасидаги изланишларни янада кенг қўламда олиб боришни тақозо этмоқда.

Истиқлол йилларида ўзбек халқининг бой илмий, маънавий меросини ҳар томонлама тадқиқ этиш, соф ислом илмларини тиклаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва диний қадриятларни барпо этиш жараёни том маънода мустақиллик натижасидагина ўз мақомига эга бўлди ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётда ўз ифодасини топди. Уни мустаҳкамлашнинг ҳар бир йили ўз қадрига кўра жамият сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва маданий тараққиётининг ортга қайтариб бўлмас жараёнига айланди. «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада юртимиз тарихига доир бирламчи

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // *Ma'rifat*, 2017 йил, 20 сентябрь.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // *Халқ сўзи*, 2016 йил, 19 октябрь.

қўлёзма манбаларни атрофлича тадқиқ этиш орқали катор йўналишларда, жумладан, миллий менталитет ҳамда исломий кадриятлар асосида шаклланган юксак ҳуқуқий маданият, суд маҳкамаларининг тарихий шакллари ҳисобланган қозилик институтларининг иш тажрибаларига оид махсус назарий ва комплекс тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ва жорий йилнинг 23 июнидаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланганидек, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарлари ва уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаларини чуқур ўрганиш, ёш авлодни юртимиздан етишиб чиққан ҳуқуқ ижодкорлари бўлган факихларнинг ҳаёти ва илмий мероси билан яқиндан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини тарбиялашда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** X-XIII асрларда фаолият юритган қозилик девонлари ва ушбу даврда ислом дунёсида яратилган процессуал ва нотариал ҳужжатларнинг ижтимоий-тарихий, ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Heidelberg University, Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg, Berlin Freie University (Германия), Cambridge University, University of Oxford (Буюк Британия), Columbia University, Cornell University, Illinois University (АҚШ), The Faculty of Law and Economics of Paris University, University of Lyon (Франция), Academy of Notaries Institute

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.Islamwissenschaft.uni-heidelberg.de>; <http://www.orient.uni-freiburg.de>; <http://www.geschkult.fu-berlin.de/e/islamwissenschaft>; <http://www.cis.cam.ac.uk>; <http://www.notariespublic-ni.org.uk>; <http://www.ox.ac.uk>; <http://www.mei.columbia.edu>; <http://www.neareaststudies.cornell.edu>; <http://www.csames.illinois.edu/program/islamicstudies>; <http://www.upsud.fr>; <http://www.univ-lyon.fr/islamicstudies>; <http://www.notary-courses.com>; <http://www.ugr.university/programmes/arab-and-islamic-studies>; <http://www.naher-osten.uni-muenchen.de>; <http://www.ulb.ac.be/assoc/aip/liens>; <http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>; <http://www.masaisrael.org/programs/hebrew-university-ma-islamic-and-middle-east>; <http://www.damasuniv.edu.sy>; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.kazankiu.ru>; <http://www.tashgiv.uz>; <http://www.tiu.uz>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Hispano-Arab Culture, University of Granada (Испания), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия), McGill University (Канада), Jerusalem University (Исроил), Damascus University (Сурия), Cairo University (Миср), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library (Туркия), Поволже Қозон федерал университети (Россия), Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, Тошкент ислом университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида ислом дунёсидаги ижтимоий муносабатларга оид тарихий процессуал ва нотариал ҳужжатлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: IX-XII асрларда Андалусиянинг Гранада, Кардова, Толедо шаҳарлари қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатларга оид ҳуқуқий атамалар таснифланган ҳамда улар тарихий-ҳуқуқий, манбашунослик ёндашувлари асосида очиб берилган (Academy of Notaries Institute Hispano-Arab Culture in Madrid); X-XIII асрларда Ироқ ва Ардабил қозилари томонидан турк, араб, форс тилларида тузилган савдо-сотикқа оид нотариал шартномаларнинг ижтимоий-маданий ҳаёт, мусулмон халқларининг турмуш тарзи, ҳуқуқий қарашларига таъсири ҳамда уларнинг тарихий, филологик ва ҳуқуқшунослик ёндашиш илмий концепцияси ишлаб чиқилган (Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg); X-XIII асрлар ислом дунёсида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатларни расмийлаштиришда қўлланилган қоидалар тизимлаштирилган (McGill University); араб ёзувида тузилган савдо-сотик, оила ва жиноят ишларига доир ҳуқуқий ҳужжатларни ёзишдаги ўзига хос услублар, уларнинг ижтимоий-тарихий, ҳуқуқий жиҳатларининг илмий аҳамияти очиб берилган (International Society of Arabic Papyrology).

X-XIII асрлар ислом дунёсида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар тарихи бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: фуқаролик институтлари, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг шарқона кўриниши, ислом дунёсида демократик тамойилларнинг тарихий асосларини исботлаш; ислом тарихида ҳуқуқий маданият ривожига таъсир кўрсатган ҳуқуқ ижодкорлари (фақиҳлар) асарларининг маънавий-маърифий, тарихий-ҳуқуқий, манбашунослик функцияларини очиб бериш; ислом дунёси ва Ўрта Осиёда ўрта асрларга хос ҳуқуқий тартибларни амалиётда қўллаш анъаналари ҳамда дин билан шахс, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг генезиси, эволюцияси, ижтимоий, иқтисодий, диний омилларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табақот (био-библиографик) асарлар ёзган олимлар X-XIII асрларда яшаб, қозилик маҳкамаларида юритилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар намуналарига оид асарлар ёзиб қолдирган фақиҳлар ҳаёти ҳамда илмий-маънавий мероси ҳақида умумий маълумотларни бериб ўтганлар. Жумладан, Муҳаммад ибн Исҳоқ Надим (ваф. 387/997 й.), Абу Са'д Сам'оний (ваф. 562/1167 й.), Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. 748/1347 й.), 'Абдулқодир Қураший (ваф. 775/1373 й.), Ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1475 й.), Маҳмуд ибн Сулаймон

Кафавий (ваф. 990/1582 й.), Тошкубризода, Ҳожи Халифа (ваф. 1017/1609 й.), ‘Абдулхай Лакнавий (ваф. 1304/1887 й.), Карл Броккельман (ваф. 1956 й.) ўз асарларида X-XIII асрларда яшаб ўтган фақиҳларнинг ҳаёт йўллари, ёзган асарлари ҳақидаги маълумотларига суянган ҳолда тадқиқот давомида ўрганилган фақиҳларнинг шахсияти, асарлари ва илмий фаолияти аниқланди.

Исломшунос олим А.Қ.Мўминов ўзининг докторлик ишида X-XIII асрларда Мовароуннахрнинг марказий шаҳарларида яшаб ижод этган ханафий фақиҳларнинг диний-сиёсий фаолиятига тўхталиб ўтган<sup>4</sup>.

Ўзбекистонлик Б.А.Казаков, О.Д.Чехович каби<sup>5</sup> тадқиқотчи олимлар ҳозирда Бухоро вилояти кутубхонаси ва музейи, Ўзбекистон Давлат архиви Қушбеги бўлимида сақланаётган Мовароуннахр қозилик маҳкамаларида тузилган расмий ва тарихий ҳужжатларни ўрганганлар. Мазкур манбалар мўғуллар истилосидан то Россия подшоҳлиги истилосигача бўлган даврда ёзилган.

О.Д.Чехович ўз илмий фаолияти давомида XIV-XVIII асрларга тааллуқли Бухоро қозилик маҳкамаларида тузилган турли соҳаларга оид ҳуқуқий ҳужжатларни тадқиқ этган. Шунингдек, унинг XIV-XVIII асрларда Бухоро тарихига оид оила ва мулкчилик билан боғлиқ вақф ҳамда турли маҳкама ҳужжатлари ҳақидаги керакли маълумотларни берганлиги аҳамиятлидир<sup>6</sup>.

Шарқда Муҳаммад Ваҳба Зуҳайлий, Тоҳо Аҳмад Ҳасан Ҳафиний Мағозий, Муҳаммад Сағир Ҳасан Ма‘сумий, Мамдух Ҳасан Бадавий<sup>7</sup>лар мовароуннахрлик фақиҳларнинг тадқиқот мавзусига оид асарларини манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганганлар.

Дастлаб, «шурут» (شروط) яъни нотариал шартномалар тузиш илмига доир манбаларни немис олими Йозеф Шахт ўрганган<sup>8</sup>. Немис исломшунос

<sup>4</sup> Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв): Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ТИУ, 2003. – 304 с.

<sup>5</sup> Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 87; Bahadır Kazakov. Bukharan documents: the collection in the District Library, Bukhara // Translated from the Russian by Jürgen Paul. Journal ANOR № 9. Halle: Institut für Orientalistik, 2001. – 103 с; Исломов З.М. Ташкент ислом университети Манбалар хазинасидаги фикхий асарлар таҳлили // ТИУ илмий-таҳлилий ахбороти. – Ташкент, 2004. – № 1. – Б.4-8.

<sup>6</sup> Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Выпуск 1. Акты феодальной собственности на землю XVII-XIX вв. – Ташкент: Наука, 1954. – 268 с; Шу муаллиф. Бухарские документы XIV века. – Ташкент: Наука, 1965. – 332 с. – С. 135, 136, 142, 186, 190, 206; Шу муаллиф. Черты экономической жизни Мавараннахра в сочинениях по фикху и шуруту, Ближний и Средний Восток Товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: Наука, 1980. – 227 с.

<sup>7</sup> Муҳаммад Зуҳайлий. Тариху-л-қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дору-л-фикр, 1416/1995. – 590 б; Шу муаллиф. Қазоу-л-мазолим фи-л-фикҳи-л-исламий. – Дамашк: Дору-л-мактабий, 1419/1998. – 151 б; Шу муаллиф. Қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дору-л-мактабий, 1419/1998. – 110 б; Тоҳо Аҳмад Ҳасан Ҳафиний Мағозий. Мин аввали Китоби-с-салот ило охири-л-фасли-л-хомис минҳ мин Махтут Муҳити-л-бурҳоний. – Қоҳира: ал-Азҳар университети, 2003. – 355 б; Муҳаммад Сағир Ҳасан Ма‘сумий. Бурҳону-ш-шари‘а ва китобуҳ Муҳиту-л-бурҳоний. – Исломобод: Осору-л-исломиййа (Исломобод ислом университети), 1967. – 220 б; Мамдух Ҳасан Бадавий. Китобу-с-салот мин Захират. – Қоҳира: Қоҳира университети, 1992. – 285 б; Ушбу муаллифларнинг асарлари билан тадқиқотчи Қоҳира университети шари‘ат ва қонун факультети кутубхонасида 2004 йил танишиб чиққан.

<sup>8</sup> Schacht Joseph. Das kitab aš-Šuf‘a aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga‘far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1930. – 58 p; Шу муаллиф. Das kitab adkar al-huquq war-ruhun aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga‘far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – 38 p.



олимаси Моника Гронке Ёркент ва Ардабил шаҳарларидаги X-XIII асрларга оид араб тилида ёзилган ҳужжатларни хронологик таҳлил этган<sup>9</sup>. Америкалик олима Жаннет Вакин<sup>10</sup>, франциялик исломшунос олимлар Шафиқ Чехата<sup>11</sup>, Эмиль Тян<sup>12</sup>ларнинг илмий тадқиқотларида ҳанафий мазҳабига хос «шурут»\* (شروط), «маҳзар»\* (محضر), «сижил»\* (سجل), «васиқа»\* (وثيقة), «сукук»\* (صكوك), «ҳукмий китоб»\* (الكتاب الحكمی), «ҳужжа»\* (حجة), «мажалла»\* (مجلة) каби маҳкама ҳужжатларининг ёзилиш тартиблари ва ўзаро фарқлари ёритилган. Испаниялик тадқиқотчилар Педро Чалмета ва Федрико Карриенте<sup>13</sup>, Франсиско Хавьер Аквиери Садаба<sup>14</sup>, Жулиано Риберта<sup>15</sup>лар X-XIII асрларга доир моликий мазҳабидаги процессуал ва нотариал ҳужжат намуналарининг Кордова ва Толедо шаҳарлари аҳолиси ҳаётидаги аҳамиятини очиб берганлар. Канадалик олим Ваел Ҳаллақ<sup>16</sup> X-XIII асрларда тузилган расмий ҳужжат намуналарини Ғарбда яратилган ҳужжатлар билан ўзаро таъсирини қиёсий таҳлил этган.

Умуман, бугунги кунда Ўзбекистоннинг X-XIII асрлардаги давлатчилик тарихига доир маълумотларни қўлғезма манбалар орқали аниқлаш

<sup>9</sup> Monika Gronke. The Arabic Yarkand documents. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol. 49, № 3. (1986), P. 454 – 507; Monika Gronke. Arabische und Persische Privaturkunden des 12. und 13. Jahrhunderts aus Ardabil (Aserbeidschan). – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1982. – 550 p.

<sup>10</sup> Jeanette A. Wakin. The Function of Documents in Islamic Law: The Chapters on Sales from Tahawi's Kitab al-Shurut al-Kabir. State University of New York Press Albany, 1972. – 203 p.

<sup>11</sup> Chehata T. Chafik Theorie Generale de l'obligation en Droit Musulman, les sujets de l'obligation avec une bibliographie, une methodologie et un tableau general de la theorie de l'obligation en droit Hanefite. Le Caire: Imp. F.E. Noury & Fils, 1936. – 367 p.

<sup>12</sup> Tyan Emile. Le Notariat et le regime de la prevue par ecrit dans la pratique du Droit Musulman. Lyon: Universite de Lyon, 1945. – P. 99; Шу муаллиф. Histoire de L'organisation Judiciaire en Pays D'Islam. Leiden: E.J.Brill, 1960. –673 p.

\**Шурут* – атамаси иш юритиш ҳужжат намуналарига оид асарлар ёзган ҳанафий фақиҳлар томонидан киритилган илмий истилоҳ бўлиб, барча фақиҳлар ушбу атамага иттифоқ қилганлар. Демак, бу ўринда *шурут* атамасини қозилик маҳкамасида тузилган шартнома намунаси деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

*Шурут* – شرط (شروط) араб тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “шарт, қилинадиган талаб, қоида, низом” бўлиб, қози томонидан турли оилавий ва мулкчиликка оид шартнома ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган қоидалар мажмуасини англатади.

\**Маҳзар* – бу қозилик маҳкамаси фаолиятида олиб борилган иш юритиш ҳужжати бўлиб, унда фақат маҳкамада иштирок этувчи тарафлар даъволари ва жавобгарнинг даъвога муносабати ҳамда гувоҳларнинг мазкур даъво юзасидан берган кўрсатмалари баённомалар шаклида қайд этиб қўйилган.

\**Сижил* – бу қозининг ҳукми ёзилган иш юритиш ҳужжати бўлиб, унда кўтарилган даъво ҳам кўрсатиб ўтилган.

\**Васиқа*, (vасаи'қ-وثائق) – қозилик маҳкамаларида расмийлаштирилиб берилган ишончнома, ҳужжат тури.

\**Сак* (сукук) – йирик ҳажмдаги кўчмас мулклар, султон ҳадялари, вақф ерлар, ишлаб чиқариш объектларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар мажмуи.

\**Ҳукмий китоб* – қози кўраётган ишда жавобгар деб топилган шахс ўзга шаҳарда истиқомат қилган ёки сафарда бўлган ҳолатда маҳкама томонидан у яшаётган ҳудуд қозисига жавобгарга қарши олиб борилаётган даъво юзасидан йўлланадиган расмий хат, мурожаатнома.

\**Ҳужжа* – маҳкама қарорини гувоҳлар ёрдамида расмийлаштириш.

\**Мажалла* – XVII–XIX асрларда Усмонийлар империясида амалда бўлган қонунлар тўплами.

<sup>13</sup> Chalmeta P; Carriente F. Formulario notarial Hispano-Arabe(por elalfaqui y notario cordobes Ibn al-Attar(sX) Madrid: Academia Matritense del Notariado Instituto Hispano-Arabe De Cultura, 1983. – 675 p.

<sup>14</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli (m.459/1067). Al-Muqni' fi 'ilm al-Šurut (formulario natarial).ed. Francisco Javier Aguirre Sadaba Madrid, 1994. – 405 p.

<sup>15</sup> Riberta J., Asin M. Este formulario ha sido objeto de la tesis doctoral de dona Asuncion Ferreras Sanchez. – Paris: Universidad Complutense, 1991. – 256 p.

<sup>16</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works and the Dialectic of Doctrine and Practice. Jurnal, Islamic Law and Society, Vol. II. Leiden, E.J.Brill, 1995. – P.109 – 134; Шу муаллиф. The qadi's diwan (sijill) before the Ottomans. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.61, No 3. (1998). – P. 415 – 436.

манбашунослар олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Чунки ўрганилган тадқиқотларда X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал хужжатлар тузишга бағишланган асарлар ҳақидаги илмий хулосалар ўз ечимини топмаган. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрнинг X-XIII асрлар тарихига доир процессуал ва нотариал хужжатлар, қозилик маҳкамалари фаолиятига бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш бўйича 2011-2013 ва 2014-2016 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури», А-1-051. «Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** X-XIII асрларда Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида юритилган расмий хужжатларга оид манбаларда акс этган процессуал ва нотариал хужжатларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

X-XIII асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Шом, Миср, Андалусия каби ислом ўлкалари қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ва нотариал хужжатларини ўрганишга бағишланган тарихий ва замонавий тадқиқотларни қиёсий таҳлил этиш;

илмий жамоатчиликка ҳали маълум бўлмаган тарихий процессуал ва нотариал хужжат намуналарига оид манбаларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

X-XIII асрларда ханафийлик, моликийлик, шофи‘ийлик, ханбалийлик ва шиа мазҳабларида яратилган маҳкама иш юритиш хужжатларига оид қўлёзма манбаларни ўрганиш орқали уларнинг ислом тарихи ва манбашунослиги соҳасида тутган ўрнини аниқлаш ва баҳолаш;

X-XIII асрларда Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлари Бухоро ва Самарқандда фаолият юритган қози ва фақиҳларнинг қарорларини жамият ҳаётига таъсири ва ханафийликнинг мўътадил мазҳаб сифатида ривожланиши сабабларини кўрсатиш;

қозилик маҳкамаларининг X-XIII асрларда ижтимоий ҳаётни бошқаришда тутган ўрни ва ваколатларини аниқлаш орқали мазкур даврларга доир маълумотларни янги илмий тадқиқот хулосалари билан бойитиш;

Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларининг бошқа ўлка қозилик маҳкамалари фаолиятига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб бериш;

жаҳон кутубхоналарида сақланаётган, тадқиқот мавзусига доир асарларнинг қўлёзма нусхалари ва нашрларини аниқлаш ҳамда уларни қиёсий таҳлил этиш орқали мазкур манбаларнинг Ўзбекистонда миллий

давлатчилик асосларини мустаҳкамланиши, исломшунослик, манбашунослик, дипломатика ва ҳуқуқшунослик фанлари ривожига ролини асослаб бериш;

Х-ХIII асрларда мовароуннаҳрлик алломалар Абу Жа‘фар Таҳовий, Абу Наср Самарқандий, Ҳусомуддин Садр Шаҳид, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийлар томонидан ёзилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар тарихига оид манбалар устида ислом тарихи ва манбашунослиги йўналишига мос изланишлар олиб бориш орқали уларнинг ўлкамиз ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳужжат юритиш ривожига тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

Мовароуннаҳр ва бошқа ислом ўлкалари қозилик маҳкамаларида амалда бўлган процессуал ва нотариал ҳужжат намуналарига бағишланган манбаларни ўрганиш орқали Х-ХIII асрлар амалда бўлган тарихий-ҳуқуқий ҳужжат турларини аниқлаш, уларни тузиш ва расмийлаштиришдаги тарихий услуб ва қоидаларни илмий муомалага киритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Х-ХIII асрларда ижод этган мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг процессуал ва нотариал ҳужжатларни юритишга бағишланган асарлари.

**Тадқиқотнинг предмети** Х-ХIII асрларда Мовароуннаҳрда тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Х-ХIII асрларда Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжат намуналарига оид манбаларни ўрганишда комплекс ёндашиш, тизимлилик, муаммовий-мақсадли, тарихий, қиёсий, мантиқий ёндашув ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек давлатчилиги тарихида қозилик инстанциясининг шаклланиши, ўрта асрларда Мовароуннаҳрда расмийлаштирилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан жамиятни бошқариш ва тартибга солишдаги ўрни мавжудлиги исботланган;

Х-ХIII асрларга хос ҳуқуқий ҳужжатлар ва унга оид манбаларга бағишланган тадқиқотларнинг манбашунослик хусусиятлари тизимли-функционал тамойил асосида очиқ берилган;

ҳанафий таълимотининг маҳаллийлашуви ҳамда мазҳаб фақиҳларининг ҳуқуқ ижодкорлари сифатида жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришга бўлган интилишлари асосланган;

кўлёзма манбаларнинг палеографик ва кодикологик хусусиятлари, уларда келтирилган процессуал (маҳзар, сижил) ва нотариал (шурут) ҳужжат турлари илк бор таснифланган;

Х-ХIII асрларга хос канцеляризм ва формулярлар генезиси, процессуал ва нотариал ҳужжатларни расмийлаштириш тамойиллари ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш механизмлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси.** Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, серқирра илмий-маънавий мероси, Х-ХIII асрларга хос қозилик маҳкамалари фаолияти, ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон тарихида эркин фуқаролик жамиятининг ижтимоий-ҳуқуқий тартиблари ҳамда

махаллий халқнинг тарихан дипломатика, ҳужжатшунослик соҳаларида бой тажрибага эга эканлиги борасида хулоса ва тавсиялар илгари сурилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқот методологик базасининг мукамаллиги Шарқ ва Ғарб манбашунослик мактабларида шакллантирилган қатор илмий тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, репрезентативлиги, хулосаларни илгари суришда айнан нодир қўлёзма манбалар матнига таянилганлиги, далиллар билан асосланганлиги, ишончли, самарадор ва замонавий қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациянинг назарий хулосалари ҳамда илмий муомалага критилган манбалар X-XIII асрларда Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар тарихи ва бу борада орттирилган бой тажрибаларни ўрганиш бўйича олиб бориладиган исломшунослик, тарихнавислик, манбашунослик ва ҳуқуқ тарихига оид тадқиқотларда, хусусан, юртимиздаги ижтимоий муносабатларнинг тарихий-ҳуқуқий илдизларини чуқур ўрганишда ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий натижалари мовароуннаҳрлик алломаларнинг ушбу мавзудаги қатор асарлари, илмий мероси, бой тажрибаларини тадқиқ этишга асосланган «Ўзбекистонда ҳужжатшунослик тарихи» курсини мустақил фан сифатида шакллантириш ва Тошкент ислом университети, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳакамлик судлари академияси, Тошкент ислом институти, шунингдек, исломшунослик, диншунослик, тарих, ҳуқуқшунослик, жамиятшунослик соҳаларига ихтисослашган олий ва ўрта махсус билим юртларида мутахассислик фани сифатида ўқитишни жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатларни тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

исломдаги ҳуқуқий мактаблар, Мовароуннаҳр қозилиги тажрибалари ва тарихий ҳужжат материаллари юзасидан олинган илмий натижалардан «Ислом ҳуқуқи» номли дарсликнинг IV, V, VIII мавзуларини ёритишда фойдаланилган (№82-020-рақамли рухсатнома). Мазкур мавзуларнинг дарсликка киритилиши исломшунослик ва ҳуқуқшунослик йўналишида таҳсил олаётган талабалар, шунингдек, соҳа мутахассислари учун Шарқда шаклланган ҳужжатшунослик мактаблари, уларни расмийлаштириш ва ижро механизми, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи, дипломатика, ислом дунёсига хос юксак ҳуқуқий маданият тарихини бирламчи манбалар асосида очиб берган;

Мовароуннаҳрда ёзилган ханафий фикҳига оид манбалар бўйича олинган илмий натижалар Алберт Людвиг университетининг шарқшунослик бўлими ва Фрайбург исломшунослик марказининг «Ислом дунёси ва ислом билимлари ривожини» номли халқаро тажриба алмашиш ўқув дастурини (Германия) тайёрлашда фойдаланилган (Алберт Людвиг университети ва

Фрайбург исломшунослик марказининг 2016 йил 12 декабрдаги маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар германиялик исломшунос мутахассисларга Ўзбекистонда ислом билимларининг жамият ҳаётига таъсири ва ханафийликнинг мўътадил мазҳаб сифатида ўзбек халқи ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаганлиги, X-XIII асрлардаги Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик анъаналари, жамият бошқаруви, ижтимоий ҳаётни тартибга солишда расмий ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини кўрсатиб берган;

X-XIII асрлар Мовароуннаҳр мулкӣ муносабатларига оид даъво ва низоларнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ хулосалардан БВ-Ф8-068. «Ислом ҳуқуқида мулкӣ муносабатларнинг тартибга солиниши» (2007-2011) фундаментал тадқиқот лойиҳасида, мотуридия ақидавӣ мактабининг асосчиларидан Абу Жаъфар Таҳовийнинг илмӣ мероси ҳамда унинг ҳуқуқий қарашларига оид таклифлардан А-1-050 «Мовароуннаҳрда мотуридия ақидавӣ мактабининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ҳозирги кундаги экстремистик оқимларга қарши курашдаги мафкуравий аҳамияти» (2015-2017) амалий лойиҳасида, Абу Наср Самарқандӣ, Хусомуддин Садр Шаҳид, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорӣ каби аждодларимизнинг илмӣ мероси бўйича маълумотлардан А1-ФҚ-0-96622 А-1-051 «Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифӣ меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш» (2012-2014) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 27 июндаги ФТК-0213/415-сон далолатномаси). Ушбу хулоса, таклиф ва маълумотлар орқали Ўзбекистон тарихида мулкка эгалик қилиш ва у билан боғлиқ савдо битимлари мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга бўлганлиги, ислом догматик дин эмаслиги, аксинча, ушбу динда ҳам бағрикенглик, ҳурфикрлилик мавжудлиги ва фуқаролик муносабатларининг ақидавӣ асослари, ижтимоий муносабатларга доир умуминсонӣ ғоялар, дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган ҳамда ҳозирги вақтда кенг жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган буюк алломаларимизнинг шахсияти ва илмӣ мероси бўйича илмӣ хулосаларнинг такомиллашувига хизмат қилган;

X-XIII асрлар Мовароуннаҳр марказӣ шаҳарларида фаолият юритган қозиларнинг тажрибалари, жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқий маданияти бўйича илмӣ хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ҳакамлик судлари ассоцияцияси ҳузуридаги академиянинг «Ўзбекистонда процессуал ва нотариал ҳужжатлар тарихи», «Ўзбекистонда ҳакамлик судлари тарихи» фан дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзХСА 2016 йил 29 февралдаги 01/47-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар орқали Ўзбекистондаги ҳуқуқ ижодкорлиги ва Ўзбекистон тарихида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда уларнинг даврий ривожланиш босқичлари Ўзбекистон ва жаҳон кўлёзма фондларида сақланаётган кўлёзма манбалар ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар асосида очиб берилган;

Ўзбекистон тарихида мавжуд диний бағрикенглик анъаналари, соф исломӣ тушунчалар, миллий давлатчилик ва тарихӣ ҳужжат тузиш

тажрибалари бўйича билдирилган хулосалар «Ўзбекистон» телеканалда махсус тайёрланадиган «Зиё», «Диний экстремизм ва мутаассибликка қарши чора-тадбирлар» туркумидаги кўрсатувлар, «Ёшлар» телеканалнинг «Сўз ёшларга», «Китоб ва офтоб», «Тошкент» телеканалнинг «Тошкент вақти», «Маданият ва маърифат» телеканалнинг «Академик соат» каби илмий-оммабоп кўрсатувлари ҳамда «Маҳалла» радиосининг «Обод манзиллар», «Ҳамма учун» каби эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда (2011-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2015 йил 15 декабрдаги 05-15/3448-сонли маълумотномаси). Мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар фуқароларнинг Х-ХIII асрлар Мовароуннахр расмий ҳужжатлари тарихи, аждодларимиз илмий меросига доир янги илмий маълумотлар билан танишиши, тарихий билимларининг ошиши ва уларда миллий ғурур туйғусининг шаклланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, «Восточные языки и культуры» (Москва, 2010); «Ижтимоий фанларнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2010, 2011); «Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари» (Тошкент, 2010, 2011); «Ўзбекистон демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида» (Тошкент, 2012); «Язык, культура и общество на перекрестке цивилизаций» (Самарканд-Цукуба, 2012); «Проблемы исламоведения и арабской филологии» (Алматы, 2012); «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2013); «Общество, религия, государство» (Баку, 2013); «Peoples of Eurasia. History, culture and interaction problems» (Prague, 2014) мавзуларидаги республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та дарслик, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалар билан бирга 326 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва унинг вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек,

диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

**Диссертациянинг «X-XIII асрлар ислом дунёсида ёзилган процессуал ва нотариал ҳужжатларига оид манбалар»** деб номланган биринчи бобида X-XIII асрларда фаолият юритган қозилик маҳкамаларининг Ғарб тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши, уларнинг қиёсий таҳлили, исломда ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш ва уларни расмийлаштиришнинг турли мазҳабларда акс этиши, Мовароуннаҳр ханафий фикҳ мактаби эришган тарихий тажрибаларни ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ислом ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланган қози маҳкамалари фаолияти Шарқ уйғониш даврида ижобий из қолдирган. Бу ҳуқуқий тизим илк ислом даврида шаклланиб, аста-секин бутун Шарқ мусулмон ўлкаларига тарқалди. Тарихда қозилик маҳкамалари бугунги суд маҳкамаларидан кенгроқ фаолият юритиб, X-XIII асрларда процессуал судлов ишлари билан бир қаторда *шурталик* (миршаблик), *ҳисба ва муҳтасиблик* (ҳуқуқни назорат қилувчи орган) ва аҳоли ўртасида тузилган турли битим ва шартномалар, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш ваколатига ҳам эга бўлган. Демак, қозилик маҳкамалари ўша даврда адлия ишлари ҳамда нотариал ҳаракатларни ҳам назорат остига олган.

Ҳуқуқий нормаларни у ёки бу диний эътиқод билан асослаш барча замонларга тааллуқли бўлиб, анча кенг тарқалган ҳодисадир. Ғарбда ислом ҳуқуқининг *шурут* жанрида ёзилган манбаларни тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшган немис олими Йозеф Шахт ҳам мана шу тамойилга асосланган ҳолда қатор тадқиқотларни амалга оширди. У Исломда шартномалар тузишга бағишланган илмий изланиш олиб борган ҳамда мазкур соҳадаги асосли илмий хулосаларни биринчилардан бўлиб илгари сурган шарқшунослар<sup>17</sup>.

Канадалик олим Ваел Ҳаллақ XI–XIII асрларда мусулмон ўлкаларида тузилган ҳужжат намуналарига оид манбалар устида қатор изланишларни амалга оширган. Унинг фикрича, тарихда исломдаги нотариал ҳужжатлар тузиш, суд процессини қонунийлаштириш ва баённомаларини ёзиш қоидаларини ишлаб чиқишни кўпроқ қозиларга боғлаш нотўғри бўлиб, қозилик маҳкамалари фаолиятининг назарий қоидалари X-XIII асрларда асосан фақиҳлар томонидан ишлаб чиқилди. Натижада илгари сурилган *шурут* – яъни нотариал шартномалар тузиш қоидалари *фуру‘у-л-фиқҳ* (*фиқҳ сохалари*) ва *адабу-л-қози* (*қозилик одоблари*) йўналишида ёзилган асарларнинг ажралмас қисмига айланди. Кейинчалик *шурут* илми исломда ҳуқуқий таълимот билан амалиёт ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Мусулмон ҳуқуқшунослари *шурутга* оид асарларини асосан ҳужжат тузиш қоидаларини яхши билмаган ва муайян тажрибага эга бўлмаган қозилар учун ёзганлар. Бунга сомонийлар даврида Нишопурда яшаган ханафий олими

<sup>17</sup> Schacht Joseph. Das kitab aš-Šuf‘a aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga‘far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawī. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1930. – 58 p; Шу муаллиф. Das kitab adkar al-huquq war-ruhun aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga‘far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawī. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – 38 p.

Маҳмуд Нишопурийнинг (ваф. 401/1011 й.) «Арба 'ину-л-мустатоба» (қирқта мақбул масала) номли асарини мисол қилиш мумкин. Асарда ҳамд ва санодан сўнг муаллифнинг ўзи ҳақидаги куйидаги фикрлари келади:

... وبعد فقد التمس مني بعض من يتردد إليّ مستفيدا ويظهر في المودة إخلاصا مفيدا بأن أجمع له نيفا من علم الشروط وطرفا مما هو في الشرع مضبوط كي يكون تذكرة لديه وهدية مني إليه فلما تفرست إربه أنجحت إربه وجعلتها أربعين فصلا كل واحد منها أصلا وضممتها عشرة أبواب وسميتها بالأربعين المستطابة لما فيه من الصواب والله المستعان وعليه التكلان فهذا فيرت (فهرس) الأبواب الباب الأول في الأقرير والاعترافات الباب الثاني في المبايعات الباب الثالث في الرهان والمقاسمات الرابع في الشركة والمضاربات الباب الخامس في التوكيلات الباب السادس في الإجازات الباب السابع في الأنكحة والتطبيقات والتدبير والاعتاقات الباب الثامن فيما تجري منه بين الخصم والخصومات الباب التاسع في الوقفيات والوصيات الباب العاشر قضاء القضاة. الباب الأول في الأقرير وفيه فصول أربعة الفصل الأول في الإقرار بالدين حالاً.

**Таржимаси:** «Мендан фойда истаб олдимга келиб турувчи ва самимий дўстлик кўрсатувчи бир киши шурут илми бўйича бир қанча масалаларни, шариатда аниқ бўлган жиҳатларни унга бир эслатма ва мендан совга бўлсин учун жамлаб беришимни илтимос қилганидан сўнг... Унинг истагига эътибор қаратдим ва истагини амалга оширдим. Масалаларни қирқ фаслга бўлдим ва ҳар бирини асл (асос) қилдим. Ва уларни ўн боб қилиб бирлаштирдим.

Савоб умидида Аллоҳдан ёрдам сўраб ва Ўзигагина таваккул қилиб, уни «қирқта мақбул масала» деб атаб, фикристнинг биринчи бўлимини, «Тан олиш ва эътироф этиш», иккинчи бўлимини «Савдо битимлари», учинчи бўлимини «Гаров ва ўзаро тақсимланган моллар», тўртинчи бўлимини, «Шериклик ва музораба», бешинчи бўлимини «Ваколатлар бериш», олтинчи бўлимини «Ижаралар», еттинчи бўлимини «Никоҳлаш, талоқ қўйиш, қулни сиртдан озод қилиш», саккизинчи бўлимини «Хусумат ва хусуматлашаётган томонлар ўртасида содир бўладиган ҳолатлар», тўққизинчи бўлимини «Вақфлар ва васиятлар», ўнинчи бўлимини «Қозиларнинг ҳукмлари» деб номладим»...<sup>18</sup>

Ваел Ҳаллақ қози маҳкамасидаги суд процессига нисбатан суд (court) атамасидан кўра мажлис (assembly) истилоҳини қўллашни маъқул кўради. Чунки Ғарбдаги суд жараёни кўпроқ тақдим этилган далил-ҳужжатларга таянса, қози маҳкамаларида муфтий ва фақиҳлардан иборат маслаҳат кенгаши муҳим ўрин тутган<sup>19</sup>.

X-XIII асрлар ислом оламидаги мавжуд мазҳаблар билан боғлиқ фатволарнинг жамланиши қозилик маҳкамалари фаолиятида ташкилий ва назарий асосларнинг шаклланиши ҳамда ислом ҳуқуқида ҳужжат тузиш асосларига туртки бўлган янги бир тизимнинг яратилишига имкон берди. Исломдаги процессуал ва нотариал ҳужжатларни тузиш барча мазҳаб ва йўналишларга хос тушунча бўлиб, бу масала кўпроқ ислом ҳуқуқининг

<sup>18</sup> Маҳмуд ибн Музаффар ибн Маҳмуд Нишопурий. Арба'ину-л-мустатоба. – Истанбул: Боязид кутубхонаси. – Кўлөзма № 2672. – В. 24<sup>o</sup>.

<sup>19</sup> Wael B. Hallaq. The qadi's diwan (sijill) before the Ottomans. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.61, No 3. (1998). – P. 421.



муомалот – фуқаролик ҳуқуқи муносабатларини ўрганадиган бўлимадан ўрин олган.

Процессуал ва нотариал ҳужжатлар тузиш илмига моликийлар «'Илму-л-васои'қ» деб ном берганлар. Моликийлик мазҳабининг маркази ҳисобланган Андалус фикҳ мактаби фаолияти ҳам ислом тарихида ўзига хос ўринга эга. Ибн 'Аттор Андалусийнинг «*Китобу-л-васои'қ ва-с-сижиллот*» асари<sup>20</sup> ни илмий-қиёсий таҳлил этиш ислом дунёсида X-XIII асрлардаги ҳуқуқий маданиятни ўзига хос хусусиятларини очиқ беради. Манбада 29та мавзуда васиқалар тузиш қоидалари ўргатилади.

Андалус мактабининг яна бир вакили Абу Жа'фар Тулайтулийнинг «*ал-Муқни' фи 'илми-ш-шурут*» асари<sup>21</sup> ҳам тадқиқот учун муҳим бўлиб, фақиҳ эътиборни ўрта асрларда Андалус жамиятида кўп учрайдиган оила, савдо ва инсонларнинг шахсий ҳақ-ҳуқуқларига оид масалаларни расмийлаштиришга қаратади. Асарни ўрганиш жараёнида аниқланган Андалус ўлкасида мустақил таълим олиш учун муаллим ёллашни расмийлаштириш масаласига боғлиқ ҳужжат алоҳида диққатга молик:

استأجر فلان بن فلان فلان بن فلان المعلم ليعلم ابنه فلانا القرآن والسنة، الأدب، الفقه، الشعر، يدفع إليه (فلان) كل شهر ما ينو به منها، و ذلك كذا (و كذا)، و شرع فلان المعلم في تعليم فلان المذكور، شهيد، و تمضى إلى التاريخ فلان .

**Таржимаси:** *Фалончи ибн фалончи, фалончи ибн фалончи муаллимни фалончи ўғлига Қуръон, ҳадис, одоб, фикҳ, шеъриятдан таълим беришлиги учун ёллади. Муаллимга ҳар ой келишилган тартибда ҳақ тўланади. Фалончи муаллим ушбу фалончига таълимни бошлади. Гувох бўлдилар ва фалон кунга имзоладилар*<sup>22</sup>.

Абу Жа'фар Тулайтулий ушбу ҳужжат намунасини келтириш асносида шартномада иштирок этаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама шарҳлаб ўтишга эътибор қаратади. Унинг фикрича, таълим олаётган ўқувчи вафот этган тақдирда ҳам таълимнинг тўхтатилиши шартномада белгиланган тартиб асосида содир бўлади. Келишувга мувофиқ таълим учун тўланадиган ҳақ кунма-кун тартибда белгиланган бўлса, муаллимнинг ҳаққи ҳам шу ерда тугайди. Бироқ тўлов шартлари ойма-ой белгиланган тартибда боланинг вафоти содир бўлган кундан бошлаб ойнаинг якунигача бўлган кунларнинг ҳаққи тўланиши шарт. Чунки боланинг вафоти

<sup>20</sup> Испаниялик тадқиқотчилар Педро Чалмета (Pedro Chalmeta) ва Федрико Карриенте (Fedrico Carriente) томонидан ўрганилган Испан тадқиқотчилари асарнинг Мадрид шаҳрида жойлашган Мигел Асин номидаги институт қўлёзмалар фонди (*Instituto Miguel Asin de Madrid*) да сақланаётган №11 инвентар рақам остидаги қўлёзма нусхаси, Марокаш пойтахти Рабат шаҳар кутубхонаси (*Biblioteca de Rabat*) да №1671, №11590/1, №11590/2 инвентар рақамлар остида сақланаётган қўлёзмаларидан фойдаланганлар. Қаранг: Chalmeta P; Carriente F. Formulario notarial Hispano-Arabe (por elalfaqui y notario cordobes Ibn al-Attar(sX) Madrid: Academia Matritense del Notariado Instituto Hispano-Arabe De Cultura, 1983. – P. 26.

<sup>21</sup> Испан тадқиқотчиси Франсиско Хавьер Аквиери Садаба (Francisco Javier Aguirre Sadaba) нашрга тайёрлашда асарнинг Мадриддаги Тарих Академияси (*Academia de la Historia*) қўлёзмалар фондининг № 11 инвентар рақам остида ва Испан миллий кутубхонаси (*Biblioteca Nacional*), қўлёзмалар фонди № 5452 инвентар рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаларига таянган. Қаранг: Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. Al-Muqni' fi 'ilm al-Šurut (formulario notarial). ed. Francisco Javier Aguirre Sadaba. – Madrid, 1994. – 405 p (Бундан кейин. Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli.).

<sup>22</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – P. 45.

муаллим ва унинг ҳуқуқига дахлсиз ҳолатда содир бўлган. Келишув эса ўз навбатида, ҳуқуқий аҳамиятга эга<sup>23</sup>.

Немис исломшуноси Моника Гронке томонидан Ардабил шаҳри<sup>24</sup> нотариал ҳужжатлари тадқиқ этилган. XII–XIII асрларга оид мазкур ҳужжатларда мўғул босқини туфайли Табризга бориб ўрнашган, келиб чиқиши хоразмлик бўлган фақиҳ Муҳаммад ‘Иззуддин Хоразмий (ваф. 648/1250 й) номи кўп ўринларда зикр этилган. Аниқланишича, фақиҳ Табризда ўз фаолиятини давом эттириб, шаҳарнинг раиси ва *қозуи-л-қузоти* мартабасига кўтарилган<sup>25</sup>.

X–XIII асрларга келиб Қорахонийлар (389–607/999–1211 йй.) ва Хоразмшоҳ (Ануштегиний) лар (470–628/1077–1231 йй.) ҳукмронлиги остида бўлган Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида янги масалалар бўйича фатволар берилиб, мажлисларда ихтилофли масалалар ўзаро баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Натижада фақиҳлар муайян ечимларга асосланган фатволарни тартибга солдилар, қатор алломалар фикҳ ва ҳуқуқий ҳужжатлар тузишнинг методологик ҳамда амалий соҳаларига оид асарлар ёздилар.

Мовароуннаҳр фақиҳлари чиқарган фатволарнинг анчагина қисмида муаммога ёндашувнинг ўлкага хос шарт-шароитлар ва анъаналардан келиб чиққанлигини кузатиш мумкин. Шунини инобатга олиш керакки, ўлкада марказлашган шаҳарларнинг шаклланиши савдо-сотик, пул ва мулк муносабатларига тегишли фатволар кўламининг ортиши билан характерланади. Мовароуннаҳрлик фақиҳ ва қозилар оила-никоҳ муносабатларига ҳам кўп ўринда мурожаат этганлар. Шуниси қизиқки, улар никоҳдан кўра кўпроқ талоқ масалаларини ечишга эътибор қаратганлар. Ушбу муносабатни оиланинг мустаҳкамлиги ва уни сақлаб қолишга интилиш билан асослаш мумкин. Мовароуннаҳрнинг X–XIII асрлардаги воқелигини акс эттирган бу қарорлар ва расмий ҳужжатларга бағишланган асарлари ўз даврида юксак кадрланиб, минтақанинг ўзида ва ундан ташқари ҳудудлардаги қозилик девонларида қўлланма сифатида фойдаланилди.

**«Ўрта асрлар ижтимоий муносабатлари ривожда қозилик маҳкамаларининг ўрни»** деб номланган иккинчи бобда XIII асргача бўлган ислом дунёсидаги қозилик маҳкамаларининг ривожланиш босқичлари ва фаолияти, Мовароуннаҳрда шаклланган қозилик девонларининг иш юритиш тажрибалари илмий таҳлил этилган.

Илк ислом даврида фуқаролик (мулкӣ ва оилавий) ҳамда жиноят (*ҳад*, *қасос* ва *та‘зир*) ишлари ажратилмаган ва қозилар барча турдаги ишларни кўриш имконига эга бўлишган. Умар ибн Хаттоб даврига келиб қозиликда ихтисослашув кузатилади<sup>26</sup>.

<sup>23</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – P. 47.

<sup>24</sup> Ардабил ёки Ардебил вилояти, маркази Ардабил шаҳри (аҳолиси 650 минг кишини ташкил этади. 92% озарбайжонлар) – ҳозирги кунда Эроннинг шимолий-ғарбида Озарбайжон билан чегарадош ҳудудда жойлашган.

<sup>25</sup> Monika Gronke. Arabische und Persische Privaturkunden des 12. und 13. Jahrhunderts aus Ardabil (Aserbeidschan). – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1982. – P. 31.

<sup>26</sup> Муҳаммад Зуҳайлий. Қазо фи-л-ислам. – Дамашқ: Дору-л-мактабий, 1419/1998. – Б. 106-107.

Умавийлар давридаги қозилар икки гуруҳга – пойтахт қозилари ва вилоят қозиларига бўлинган. Пойтахт қозилари шахсан султон томонидан, вилоят қозилари эса ҳокимлар томонидан тайинланган. Умавийлар даврида биринчи марта қозилик ишлари қайд этиладиган ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирни дастлаб, Миср қозиси Сулайм ибн 'Итир Тажибий амалга оширган. Сулайм ибн 'Итир қозилик ҳукмлари бўйича қайдларни амалга оширишни қуйидаги воқеа туфайли амалга оширган: *Қачонлардир мерос масаласида даъвони ютқазган киши ишинг ўз фойдасига ҳал этилишини кўзлаган ҳолда қайта даъво кўтаради. Даъвогарнинг қозини алдаган ҳолда ҳукми ўз фойдасига ўзгартирмоқчи бўлгани Сулаймга аён бўлгач, у ўз котибига кўрилган барча ишларни ва чиқарилган ҳукмларни бирма-бир қайд этиб боришни буюради*<sup>27</sup>.

Ҳорун ар-Рашид (ҳукм. дав. 170–193/786–808 йй.) даврига келиб қозилик расмий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди ва *қозиу-л-қузот* лавозими таъсис этилди. Дастлаб, қозиу-л-қузот номзодни ҳукмдорга тавсия этиш ваколатига эга бўлса-да, кейинчалик у қозиларни танлаш ва тайин этиш имконини ҳам тўлиқ қўлга киритди<sup>28</sup>.

Қуръон оятларида адолат масалаларининг мусулмон жамияти учун муҳим эканлиги уқтирилган. Қуръонда қози ёки қозиликка оид сўзлар айнан учрамаса-да, лекин унга далолат қилувчи ҳукм этишга чақирувчи оятлар мавжуд. Ушбу оятлар жамиятда қозининг мақомини белгилаб бериб, ислом ҳуқуқида янги бир бўлим *қозилик одобларининг* (ادب القاضي) пайдо бўлишига туртки бўлди. Бу соҳада асар ёзган фақиҳлар асосий эътиборни қозилик мақоми, лавозими ва унинг ваколатларига қаратган. Ислом тарихида бу соҳага асос солган фақиҳ Абу Юсуф бўлиб, унинг «Адабу-л-қози» асари кейинги даврда яратилган манбаларга дастуруламал бўлиб хизмат қилган.

Қозилик маҳкамаларида юритилган процессуал ҳужжатларнинг юридик кучга эга бўлишида қозининг ёзма қарори ва ҳукми муҳим бўлиб, у тасдиқланиши ва хошиясига ёзма қарор таянган далил ёки фатво ёзиб кўйилиши шарт бўлган. Кўп ўринларда қози таянган далили устига ўз муҳрини кўйган. Ёзма ҳукм омонлик олган аҳли китоб ёки мусофирликда кўп юрадиган савдогарлар учун эркин ҳаракатланиш кафолатини берган. Бунда қози мусофир, савдогар ва омонлик олган аҳли китоблар яшаётган ҳудуд қозиларига ёзма тартибда мурожаат қилган ёки омонликни кафолатловчи шартномага муҳр босиб жўнатган. Ушбу ёзма қарорлар битта давлат ёки қўшни мусулмон давлатлари доирасида ҳуқуқий мақомга эга бўлган.

Кейинчалик, мўғуллар истилоси Шарқ мусулмон ўлкаларида, жумладан, диёримизда амалда бўлган кўплаб суд-ҳуқуқ тизими анъаналарига мўғулча *ясоқ* ҳуқуқий қоидаларининг кириб келишига сабаб бўлган<sup>29</sup>. Мусулмон мамлакатларининг Ғарб давлатлари томонидан мустамлака қилиниши эса

<sup>27</sup> Маҳмуд Шарбиний. Қазо фи-л-ислам. – Қоҳира: Ҳай'ату-л-мисриййати-л-'амма ли-л-китоб, 1420/1999. – Б. 145.

<sup>28</sup> Арнус Маҳмуд ибн Муҳаммад. Тариху-л-казо фи-л-ислам. – Қоҳира: Матба'ату-л-мисриййати-л-ҳадисати-л-аҳлийа, 1353/1934. – Б. 97.

<sup>29</sup> Қаранг: Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент, 2010. – 744 с.

қозилик маҳкамалари фаолиятида бир қанча Ғарбга хос ҳуқуқий меъёрларнинг пайдо бўлишини юзага келтирган. Бу эса аста-секинлик билан ислом ҳуқуқ тизими тарқалган ҳудудларда Ғарб қонунчилигига хос анъаналар таъсирини кучайтириб юборди<sup>30</sup>.

X-XIII асрларга келиб ислом ўлкаларида ҳужжатларни расмийлаштириш ва тасдиқлаш учун бир неча турдаги муҳр-тамғалар қўлланилган. Масалан, шаклан доира бичимли, бодом бичимли ёки уч, тўрт, олти ва саккиз бурчакли кўринишга эга бўлган муҳрлар шулар жумласидандир<sup>31</sup>.

Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларининг шаклланишида ҳакамлик судларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлган<sup>32</sup>. Ушбу судлар *қазоу-т-таҳким* (قضاءالتحكيم) – ҳакамлар ҳайъати деб юритилган. Абу Наср Самарқандий ҳакамлар ҳақида қуйидаги фикрни беради:

المحكّم بين خصمين لا ينفذ، بل يتوقف.

**Таржимаси:** *Ҳакам икки низолашувчи орасида ҳукм ижро этмайди балки, уларни келиштириб қўяди*<sup>33</sup>.

Абу Наср назарда тутган келиштирув айнан ҳозирги кундаги *медиация*нинг ўзгинасидир. Чунки, *медиация* жараёни мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал яъни ёпиқ ва махфий жараён бўлиб, у низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигида, фуқаролик ёки шартномавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони шов-шувларсиз, ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш учун мураса-ю мадора, яъни ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир.

Бухоро қозилари томонидан шаҳардаги жомеъ масжидининг бир қисмини ўзларига *мавқеъ* (موقع) – қароргоҳ қилиб олишларидан мақсад низолашувчилар учун қозининг иш жойини топишларида қулайлик яратиш бўлган. Бошқа тарафдан эса маҳкама жараёнининг масжидларда бўлиши ўша даврдаги ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос мафкуравий хусусиятларини очиб беради. Чунки ислом ўлкаларида жомеъ масжидлар муқаддас макон ҳисобланиб, низолашаётган тарафлар бу ерда ўзининг диний масъулиятини хис қилган ва бир-бирларига турли тухмат ва бўҳтонларни ёғдиришдан маълум даражада тийилган. Қозилар ҳам бундай жойларда ўзининг «*илоҳий-диний масъулияти*» ни хис қилиб, муаммонинг ечимини холисона ҳал этишга ҳаракат қилган. Демак, ушбу ҳолатда ислом ҳуқуқи фуқаролик муносабатларини тартибга солишда «*илоҳий-диний масъулият*»га асосланганлигини кузатиш мумкин.

<sup>30</sup> Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. – P. 672.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти (Бундан кейин: ФАШИ). Мажма‘ ал-васо‘ик. // Қўлёзмалар № 9490, № 9491, №9492, №9493 тўпламларига қаранг.

<sup>32</sup> Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида “Ҳакамлик Судлари тўғрисида”ги (2006 йил 16 октябрда қабул қилинган) Қонунга кўра давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан ташқарида ҳакамлик суди ташкил этиш мумкин. Ушбу суд фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этади.

<sup>33</sup> Абу Наср Самарқандий. Русуму-л-кузот / Муҳаммад Жасим Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Дору-л-хурийа ли-тиба‘а, 1405/1985. – Б. 69.

**Тадқиқотнинг учинчи боби «Мовароуннаҳрда ёзилган процессуал ва нотариал ҳужжатларига оид манбаларнинг қиёсий-тарихий таҳлили»** деб номланиб, унда ўлкамиз фақиҳлари томонидан ёзилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар тарихига бағишланган *маҳозир ва-с-сижиллот* ва *шурут*га оид манбалар атрофлича таҳлил этилган.

Абу Жа‘фар Таҳовийнинг асарлари ҳанафийлик мазҳаби талабларига мос ёзилган ва бизнинг давримизгача етиб келган нотариал шартномалар тарихига оид илк манбалар ҳисобланади. Таҳовий (ваф. 321/933 й.) ўзидан аввалгилар томонидан тузилган ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўрганиб чиққан алломадир.

«Шуруту-л-кабир» Таҳовийнинг нотариал шартномалар тузишга бағишланган йирик асари бўлиб, унда шартномалар тузиш қоидалари билан бир қаторда ўша давр учун хос бўлган турли мулкчилик шаклига оид ҳужжат турларидан ҳам намуналар келтирилган.

«Шуруту-с-сағир»да кўрилган масалаларнинг тўлиқ матни берилмаган. Балки шартномалар тузиш қоидаларини мухтасар шаклда келтириш билан кифояланган<sup>34</sup>.

Таҳовий асарларини ўрганган ғарблик тадқиқотчи Михаил Тунг фикрича, *archaic law* – қадимги ҳуқуқий тизимда ҳужжатлар фақат бир томон доирасида расмийлаштирилган<sup>35</sup>. Шунга кўра, бу турдаги ҳужжатларни *unilateral* – бир томонлама аҳамиятга эга кўринишдаги ҳужжатлар деб аташ мумкин. Лекин манбаларда намуна сифатида келтиралаётган ҳужжатлар фақат қози томонидан расмийлаштирилган бўлса-да, асли бу ҳужжатларга *bilateral* – икки томонлама аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар деб таъриф бериш тўғри бўлади. Чунки қози формулярда икки томон қизиқишларини бир хил баён этишга уринган.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг изланишлари ва хулосаларидан кўриш мумкинки, ҳужжатларни расмийлаштириш ислом келгунга қадар ҳам қадимги Рим, Миср, Месопатамия, Вавилон ва Оссурияда ривожланган. Лекин Таҳовий асарларини ўрганиш жараёнида аниқландики, ўрта асрлар Шарқда фаолият юритган фикҳ билимдонлари ҳам жамятда инсон ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ва уларни адолатли ҳукм ҳамда қарорлар асосида ҳимоя қилишни бош мақсад қилганлар. Таҳовий ҳар бир ҳужжат матнининг сўнггида «кутиба бил ‘адли» كتب بالعدل – адолат билан ёзилди иборасини кўшиши шундан дарак бермоқдаки, қозилик мансабига тайинлашда кўйиладиган энг муҳим талаб ҳам номзоднинг адолат билан иш юритмоққа қодир эканлиги ҳисобланган.

Ҳуқуқий ҳужжатлар тузишни ривожлантирган мовароуннаҳрлик аллома Абу Наср Самарқандий (ваф. 550/1155 й.) бўлиб, унинг ҳаёти, илмий мероси ва XI–XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида катта

<sup>34</sup> Қаранг: Абу Жа‘фар Таҳовий. Шуруту-с-сағир. 2 томлик / Рухий Ўзажан таҳрири остида. – Бағдод: Матба‘ату-л-‘они, 1974. – 823 б (Ушбу нашр Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасидаги 2 томлик № 212266 рақамли кўл ёзма нусхаси асосида тайёрланган).

<sup>35</sup> Michael. H. Thung. Written obligations from the 2<sup>nd</sup> to the 4<sup>th</sup>/10<sup>th</sup> century. – Amsterdam: Amsterdam University press, 1997. – P. 35.

тадқиқотлар амалга оширилмаган. Фақиҳнинг бизгача процессуал ҳужжатлар ва қозилик ишларини юритишга доир асарларигина етиб келган бўлиб, у қозилик маҳкамасига доир процессуал ҳужжатларни ўн қисмга бўлиб ўрганган:

Биринчи бўлимда гувоҳлар берган кўрсатмалар билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар яъни, қозининг муҳри билан тасдиқланган маҳзар – маҳкама баённомалари сақланган. Иккинчи бўлимда гувоҳлар берган кўрсатмалар куни қайд этилган ва оғи тасдиқланган тартибда сақланган. Учинчи бўлимда маҳбуслар ва уларнинг жиноятларига оид ҳужжатлар, тўртинчи бўлимда аёл жиноятчилар ва уларнинг иши билан боғлиқ ҳужжатлар, бешинчисида вақф мулклари ва улар жойлашган манзилга оид ҳужжатлар, олтинчисида вақф мулкларига масъул шахслар ҳақидаги маълумотлар ва ҳар бир вақф мулкларининг молиявий кирим-чиқимларига оид ҳужжатлар ўрин олган. Еттинчи бўлим вақф мулклари бўйича масъул шахслар томонидан қозига тақдим этиб борилган ҳисоботлар, саккизинчи бўлим қозилик маҳкамаси фаолият юритаётган шаҳар ёки вилоятда яшаб ўтган ва истиқомат қилувчи қозилар, фақиҳлар, султонлар, амирлар, пайғамбар авлодлари, вазирлар, ҳарбий саркардалар ва бошқа давлат идоралари вакилларига қарашли маълумотлар билан тўлдирилган. Тўққизинчи бўлимда қозилик маҳкамаси назоратидаги вакилларга оид ҳужжатлар ва ўнинчи бўлимда ҳар бир шаҳардаги вакиллар олиб бораётган ишлар ҳисоботи сақланган<sup>36</sup>.

Ҳусомуддин Садр Шаҳид (ваф. 536/1141 й.)нинг «Шарҳ адаби-л-қозили-л-Хассоф» асари 1978 йилда ироқлик манбашунос Маҳий Ҳилол Сархон томонидан муфассал ўрганилган<sup>37</sup>. Мазкур манба ханафий қозилари учун асосий қўлланма вазифасини бажарган. Шу боис Шарқ оламида унга бағишлаб тўққизта машҳур шарҳлар ёзилган<sup>38</sup>. Ушбу шарҳларнинг олтитаси Мовароуннаҳр ўлкасида яратилган.

Асарнинг илк бобларида қозилик мансаби ва унинг ваколатлари билан боғлиқ масалаларга кўпроқ ўрин ажратилган. Масалан, унда қозига хос хулқ-атвор ва мансабдорлик масъулияти, қозилик мансабида қайтарилган ва рухсат этилган ҳолатлар, қозининг ижтиҳоди, қози девонини юритиш, қози маҳкамаси, даъво турлари, қозилик кенгашлари, қозининг руҳий ҳолати, қозининг пора ёки ҳадя олиши билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилган. Шунингдек, асарда қозилик маҳкамасида олиб бориладиган мажлисларнинг қандай тартибда ўтказилиш жараёнига ҳам аҳамият берилган. Асарнинг сўнгги бобларида эса жиноят масалаларига тўхталиб, унда қозилик маҳкамалари процессига доир масалалар, жиноятчиларни ҳибс

<sup>36</sup> Абу Наср Самарқандий. Русуму-л-қузот / Муҳаммад Жасим Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Дору-л-хурийя ли-т-тиба‘а, 1985. – 450 б.

<sup>37</sup> Ҳусомуддин Садр Шаҳид. Шарҳ адаби-л-қозили-л-Хассоф. 4 томлик / Маҳий Ҳилол Сархон таҳрири остида. – Бағдод: Дору-л-‘араб, 1977-78.

<sup>38</sup> Бу шарҳлар қуйидаги фақиҳлар томонидан ёзилган: Абу Бакр Жассос (ваф. 370/980 й), Абу Жа‘фар Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ Ҳиндувоний (ваф. 362/973 й), Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий (ваф. 438/1046 й), Али ибн Ҳусайн Суғдий (ваф. 461/1069 й), Шамсу-л А‘имма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 483/1090 й), Шамсу-л А‘имма Абдулазиз Аҳмад Ҳалвоний (ваф. 456/1064 й), Абу Бакр Муҳаммад Хоҳарзода (ваф. 483/1090 й), Ҳусомуддин Садр Шаҳид (ваф. 536/1141 й), Фаҳруддин Ҳасан ибн Мансур Ўзжандий Қозихон (ваф. 592/1196 й).

этиш ва гувоҳлар, турли ижтимоий муносабатларга доир даъво турлари, вакил бўлиш, нафақа, савдо-сотик келишувлари, гувоҳлик ва унинг кўринишларини атрофлича таҳлил этган.

Бурхонуддин Махмуд (ваф. 616/1219 й.)нинг «Муҳит» асарида келтирилган процессуал ва нотариал ҳужжатларни, асосан, уч гуруҳга ажратиш мумкин: оилавий, мулкӣ ва қулчилик муносабатларига тегишли ҳужжатлар.

*Маҳозир ва-с-сижиллот* «Муҳит» асарининг йирик бўлимларидан ҳисобланиб, унда 63 та қозилик маҳкамалари процесси билан боғлиқ ҳужжатлар ва уларни тузиш қоидалари таҳлил этилган. Ушбу бўлимда *махзар* ва *сижил*нинг ёзилиш шартлари ҳақида умумий қоидалар, оилавий, мулкӣ ва жиноят масалалари бўйича кўрилган процессуал ҳужжатлардан намуналар, баъзи даъволарга қарши даъво қилиш йўл-йўриқлари ва улардан намуналар, шунингдек, даъво иши кўрилаётганда жавобгарнинг маҳкамага келмаганлиги юзасидан даъвогарнинг қозига қай тартибда мурожаат қилиши, мазкур масала бўйича қози томонидан жавобгар шахс истиқомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шахар қозисига йўллаган расмий хат, мурожаатлар – *ҳукмий китобдан* намуналар келтирилган.

**«X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид ҳужжатларнинг тарихий-ҳуқуқий тадқиқи»** номли диссертациянинг тўртинчи боби XIII асргача ҳанафийлик мазҳаби асосида тузилган нотариал шартномалар ва процессуал ҳужжатлар тарихига бағишланган.

Қозилик девонлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжат матнларида асосан, Бухоро, Самарқанд, Балх, Марв, Ардабил, Бағдод, Дамашқ, Кардова, Гранада, Қоҳира каби шаҳарларнинг номлари зикр қилиниши ушбу ўлкаларда ишлаб чиқилган ҳужжат юритиш анъаналари бошқалар учун намуна вазифасини ўтаган.

Нотариал шартномалар тузиш маъносида келган *шурут* истилоҳи дастлаб, ҳанафийлик мазҳаби асосчиларидан Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/805 й.) нинг «Сияру-л-кабир» асарида қўлланилган ва айнан унинг ташаббуси билан кенг муомалага киритилган. Қозилик девонида сақланган *сижил* процессуал ҳужжатлари эса ўша даврда маҳкама томонидан кўрилган ишларнинг *номенклатура*<sup>39</sup> мажмуи ҳисобланган. Чунки *сижил* ҳужжатлари таркибидан савдо-сотик, никоҳ, ижара, давлатлараро муносабатлар, вақф, иқтоъ мулклари бўйича тузилган ҳужжатлар ўрин олган. Маҳкама процесси тўлиқ қайд этиб борилган расмий баённома эса *махзар* деб юритилган. X-XIII асрларда Қози архивининг шакллантирилиши бир неча маънода иш унумдорлигини оширган, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олди олиниб, қозилик маҳкамаси фаолиятининг жуда кўплаб жабҳаларда ҳуқуқни қўллай олишга қодир муҳим ҳуқуқий-ижтимоий тизим сифатида шаклланишига хизмат қилган.

Процессуал ҳужжат турларининг асосини ташкил этган маҳзар ва *сижил* ҳужжатларини изчил ўрганиш, ўрта асрлардаги Мовароуннаҳр қозилик

<sup>39</sup> Турли соҳаларга оид номлар-атамалар, терминлар мажмуи

махкамаларининг мукамал тизимли фаолият юритгани ҳақидаги илмий хулосаларнинг кенгайишига сабаб бўлди. Жумладан, бу даврга келиб қозилик мажлисида оилавий, мулкӣ ва жиной масалалар бўйича кўрилган ишларнинг барчаси котиб томонидан расмий равишда қайд этиб борилган. Бу маълум маънода қозилик мажлиси ишини ташкил этишда даъво кўзғатиш, ўзини ҳимоя қилиш ва исботлаш каби институтларнинг ҳам такомиллашганидан далолат беради. Шунингдек, қози даъвони кўриш пайтида иш юзасидан қўшимча ва тўлдирувчи маълумотлар олишни лозим кўрса, қозининг қатор мутасадди шахсларга расмий хат билан мурожаат қилгани, ўрта асрларга келиб қозихоналар кенг миқёсда фаолият юритганини исботлайди. Бу ҳужжат тури бир шаҳар ёки вилоят қозисининг бошқа бир шаҳар ёки вилоят қозисига турли масалалар юзасидан йўллаган хати бўлган. Ўрта асрларда қози томонидан ёзилган бундай расмий мурожаат хат *ҳукмий китоб* деб аталган.

X-XIII асрларда тузилган нотариал шартномалар бир неча кўринишларга эга бўлган: шартли шартномалар – ҳужжатларнинг яхлит умумий шакли, мавҳум шартномалар – ҳужжатларнинг ўзига хос шакли, аниқ шартномалар – унча катта бўлмаган гуруҳларга ажратилган ҳужжатларнинг ички тузилиши, бир шахсга хос шартнома – алоҳида олинган ҳужжат матнининг тузилиш шакли<sup>40</sup>. Шартномалар куйидаги ҳуқуқий категорияларга бўлинган. Булар: а) мулкка эгалик қилиш ва мулк савдоси бўйича тузилган шартномалар; б) оилавий муносабатлар, никоҳланиш, ажралиш, нафақа белгилаш, аёлнинг ўз хоҳишига кўра ажралиши бўйича тузилган шартномалар.

Мовароуннаҳрда ёзилган қози баённомаларининг катта қисми гувоҳлар ва гувоҳлик масалаларига бағишлангани билан ажралиб туради. Агар маҳкама жараёнида гувоҳлар иштирок этган бўлса, *ушбу сижилда кўрсатилган шаклда* жумласидан сўнг *ушбу гувоҳларнинг кўрсатмалари билан*, деб ёзиб қўйилган. Агар гувоҳларнинг адолатлилиги маълум бўлса, мазкур иборанинг олдига *بشهادة هؤلاء المعروفين بالعدالة* – *адолатли деб танилган шахсларнинг гувоҳлигида*, агар текшириш орқали адолатлилиги исботланса, *му‘аддалин* (адолатли деб топилган) сўзлари ёзилган. Агар баъзиси адолатли деб топилиб, қолганлари бу хусусиятга эга бўлмаса, *мазкур гувоҳлар ичидан адолатли деб топилган икки гувоҳнинг кўрсатмалари билан* жумласи киритилган<sup>41</sup>.

X-XIII асрларда Мовароуннаҳрда яратилган процессуал ва нотариал ҳужжат намуналарини куйидаги соҳаларга бўлиб, таснифлаш мумкин: ижтимоий муносабатларга оид шартномалар, вақфномалар, васиятномалар, мулкларни хайр-эҳсон қилишга оид ҳужжатлар, ишончномалар, кафолат хатлари, мажбуриятларга оид ҳужжатлар, низолар ва ярашувга оид ҳужжатлар, фуқаролик ҳужжатлари, қозиларнинг фаолият доирасини белгилаб берувчи ҳужжатлар, ижтимоий ҳимояга оид ҳужжатлар, султон томонидан ерларни давлат хизматчиларига *икто‘* ( *اقطاع* ) – инъом қилишга

<sup>40</sup> Григорьев А.П. Монгольская дипломатика XIV–XV вв. – Санкт Петербург, 1998. – С. 22.

<sup>41</sup> Бурхонуддин Махмуд Бухорий. Мухиту-л-бурхоний фи-л-фикхи-н-нў‘моний. 9 томлик / ‘Абдулкарим Сами Жундий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-‘илмийа, 1424/2004. – Т.9. – Б. 417.



оид ҳужжатлар, халқаро шартномалар, *китабу-л-омон* (كتاب الامان) – чет эл фукароларига берилган омонлик ҳужжатлари, инсоннинг ташқи кўриниши ва бошқа турдаги белгилари бўйича умумий атамалар билан боғлиқ ҳужжат намуналарини киритиш мумкин.

## ХУЛОСА

«X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ислом ўлкаларида X-XIII асрларда фаолият юритган фақиҳ ва қозилар мусулмон дунёсининг ҳуқуқ *ижодкорлари* бўлиб, ижодий ва амалий фаолиятларининг бош мезони мулкчилик, савдо-сотиқ, ижтимоий-ахлоқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлашга эришиш билан белгиланади.

2. X-XIII асрларга келиб ислом ҳуқуқи тизимида процессуал ва нотариал ҳужжат тузиш қоидаларини ўргатишда ва уларни тартибга солиш натижасида бир-биридан мустақил олти та йирик мактаб: Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Шом, Миср, Андалусия мактаблари вужудга келди. Уларда фаолият юритган фақиҳларнинг асарлари кўплаб мусулмон мамлакатларида тан олинди ҳамда уларнинг асарларида акс этган ўз минтақасига хос бўлган ҳужжат тузиш анъаналари ва урф-одатлар кейинчалик бутун ислом дунёсида оммалашувига олиб келди.

3. Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан истило этилиши оқибатида кўплаб маҳаллий фақиҳларнинг Яқин Шарқ мусулмон ўлкаларига кўчиб ўтишлари Мовароуннаҳрга хос процессуал ва нотариал ҳужжатларни тузиш анъаналарининг бошқа ўлкаларда ҳам кенг ёйилишига сабаб бўлди. Бу ҳолатнинг юзага келишини Ардабил шаҳрида хоразмлик қозилар томонидан тузилган ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида кузатиш мумкин.

4. Мовароуннаҳрда шакллантирилган ислом маданияти ва ҳуқуқий қадриятлар жамият ҳаётининг турли жабҳалари: суд-ҳуқуқ, тил, ёзма санъат, маориф, дин, ахлоқ ва маиший ҳаётнинг бошқа қатор соҳаларидаги анъаналарга, маҳаллий шарт-шароитларга мувофиқ тартибда кишиларнинг турмуш тарзига кириб борди. Бу жараёнлар бевосита ҳуқуқ ижодкорлари бўлган фақиҳ ва қозилар фаолиятида яққол кўзга ташланади.

5. Илк ислом даврининг дастлабки босқичида қозилик амалиёти қабилачилик тузумидан қолган анъаналар асосида юритилди. Умавийлар даврига келибгина қозилик институтининг ихтисослашуви кузатилади. Бу давр қозилари икки тоифа – пойтахт ва вилоят қозиларига бўлинган. Пойтахт қозилари шахсан султонга бўйсунган, вилоят қозилари эса ҳокимлар томонидан тайинланган.

6. Қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни ҳокимиятга аббосийларнинг келиши билан боғланади. Аббосийлар Рим, Византия, Форс империяларининг ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш ва суд-ҳуқуқ тизими борасидаги

тажрибаларини ўзлаштириб, маҳаллий шарт-шароитларга мослаштира олдилар. Аббосийлар даврида мазолим маҳкамаси (мансабдор шахслар устидан иш кўрадиган маҳкама) ташкил этилди ва бу маҳкама учун алоҳида бино ажратилди. Ҳорун ар-Рашид даврида қозилик расмий-ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, *қозиу-л-қузот (бош қози)* лавозими таъсис этилди. Ушбу даврдан қозиу-л-қузот қозиларни танлаш, ўзининг шахсий муҳрига эга бўлиш ва мансабга тайинлаш имконини қўлга киритди ҳамда бошқарувда мустақилликка эришди.

7. Қозилик маҳкамаларида жорий этилган процессуал ҳужжатлардан бири бўлган *ҳажрни* (ёши балоғатга етмаган етимга васий тайин этиш бўйича тузилган шартнома) Мовароуннаҳрга хос маҳкама амалиётларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Мовароуннаҳрлик қозилар ҳажр шартномасини мажнун ва мажруҳ кимсаларга нисбатан ҳам тузганлар. Бу ҳолатда меросхўр тасарруфларидаги молни ишлатишда исрофга йўл қўймаслик, мажруҳ шахснинг мол-мулкдан фойдаланиш имкониятини амалга оширишни қувватлаш назарда тутилган. *Ҳажр* шартномаси, жумладан, бепарво муфтий, жоҳил табиб, касодга учраган даллол, савдогар ёки кирачи фаолиятини таъқиқлаш маъносида ҳам амалга оширилган. Таъқиқ қўйилганлар маълум муддатгача ўз касби билан шуғуллана олмаган. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар ўз касбига нолайиқ топилган ҳар қандай кимсанинг ўша касб билан шуғулланишига йўл қўймаганлар.

8. Мовароуннаҳрда муҳаккамлик (ҳакамлик) қилиш ҳуқуқи шахсан султон ёки шаҳар ҳокими, қозиу-л-қузот ёки қози томонидан берилган. Икки киши ўртасида шундан кейингина ҳакамлик қилиш юридик кучга эга бўлган. Ҳакамлик қилаётган шахснинг ҳукмини адолат меъёрларига мос тушган ҳолатда султон, ҳоким, қозиу-л-қузот ёки қози ўз муҳрлари билан тасдиқлаб берганлар.

9. X-XIII асрлар Мовароуннаҳр ҳужжатшунослик анъаналарида ўша давр учун расмий тил ҳисобланган араб тили матнларининг форсий ва туркийлашиш ҳолатлари кузатилади. Масалан: арабча *муборак-қутлуг, а'зам-буюк, шаҳр-моҳи, ибн-ўғли, китаба-битиғ* каби сўзлар ёнма-ён ишлатилган. Ҳужжатларда бундай сўзларнинг келиши матндаги асосий тил – араб тили қоидаларига салбий таъсир кўрсатмаган.

10. Абу Жа'фар Таҳовийнинг асарлари ҳанафийлик мазҳабида бизгача етиб келган илк нотариал шартномалар тузишга оид манбалар ҳисобланади. Таҳовий ўзидан илгари ёзиб қолдирилган қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ва нотариал ҳужжатларига доир фикрларни умумлаштиришга эришди. Натижада унинг асарлари кейинги давр ҳанафий фақиҳлари учун асос сифатида хизмат қилди.

11. X-XIII асрлардаёқ Бухоро ва Самарқандда мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ расмий ҳужжатлар, ҳуқуқий атамалар мавжуд бўлган. Бу, ўз навбатида, Мовароуннаҳрда ҳам юриспруденция соҳаси яхши ривож топганини, Ғарбдан фарқли ўлароқ Шарқ ҳуқуқшунослигида ҳам турли ижтимоий соҳаларга оид клаузулалар ва атамалар амалиётда қўлланилганини кўрсатади.

12. Абу Наср Самарқандий асарларини ўрганиш ўрта асрлардаги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тизимининг шаклланиши, эркин фуқаролик жамиятининг тарихий кўринишлари ва ўлкамизда мулкчилик хизмат турларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аجدодларимиз яшаган жамиятларда ҳуқуқий маданият, ҳужжатлар тузишнинг назарий қоидалари муҳим ўрин тутганини тўғри тушуниб етиш имконини беради.

13. Мовароуннаҳр қозилик маҳкамалари фаолиятида ироқлик фақиҳлар яратган асарлар бирламчи манба сифатида хизмат қилди. Жумладан, «Адабул-қози» асари ҳам ироқлик Абу Бақр Аҳмад ибн Умар Хассоф (ваф. 261/875 й) томонидан ёзилган бўлиб, бу асарга мазҳаб вакиллари томонидан жами тўққизта шарҳ битилган. Мазкур шарҳларнинг олтитаси Мовароуннаҳр ўлкасида яратилгани ҳамда уларнинг бизгача етиб келган ягона шарҳи Бухоро ва Самарқанд фикҳ мактаби вакили Ҳусомуддин Садр Шаҳид қаламига мансуб экани тадқиқотнинг ўзига хос янгиликларидан бири бўлди.

14. Бухоролик фақиҳ Бурҳонуддин Маҳмуд маҳкама процессуал ҳужжатлари тадқиқи ва ижросига ўзига хос нуқтаи назар билан ёндашган. У ўз ижодий фаолияти давомида мазмунан замонавий суд-маҳкама тизимидаги апелляция жараёнини эслатувчи қайта кўрув ишларини олиб борди, ўздан олдинги фақиҳлар томонидан кўрилган ва баъзи эътирозлар билдирилган ҳужжатларни жамлаб, мавзулар бўйича таснифлади, қозилик маҳкамаларида кўрилган процессуал ҳужжатларининг эътирозга сабаб бўлган томонларини ўрганди. Фақиҳнинг «*Муҳит*» асарида келтирилган маҳкама процессуал *маҳзар* ёки *сижил* ҳужжатларининг матни тўлиқ бермаганлиги кузатилди. Бу тартибда фақиҳ айнан, мунозарага сабаб бўлган ўринга тўхталиб, уни *халал* (خلل) – *процессуал ҳужжатларининг камчиликлари* сифатида ифодалаган.

15. *Шурут* (нотариал шартномаларнинг наъмунавий шакллари) атамаси дастлаб, Муҳаммад Шайбонийнинг «Сияру-л-кабир» асарида қўлланилган. Шартномалар тузишга оид биринчи илмий асар эса Хассоф томонидан яратилган. Шу боис X-XIII асрларда яшаган мовароуннаҳрлик фақиҳлар Муҳаммад Шайбоний ва Хассоф фикрларидан бирламчи манба сифатида фойдаландилар.

16. Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида тузилган процессуал ҳужжатлари умумий ном билан *маҳзар* ва *сижил* ҳужжатлари деб аталган. Маҳзар бу қози ёки унинг қотиби томонидан қозилик маҳкамасида кўрилган ишларни баённома шаклида расмийлаштириб, қозилик архивига тикиб бориладиган маҳкама баённомаси бўлиб, у фақат қози девонида сақланган. *Сижил* эса маҳкама баённомасидан кўчирма бўлиб, уч нусхада тайёрланган: бир нусхаси маҳкамада қози архивига тикиб борилган, қолганлари эса даъвогар ва жавобгарга берилган.

17. X-XIII асрларга келиб фақиҳлар *маҳзар* ва *сижил* ҳужжатларига оид қоидаларнинг назарий асосларини ишлаб чиқдилар ва унга бағишлаб «Китобу-л-маҳозир ва-с-сижиллот» йўналишида мустақил илмий асарлар ёздилар. *Маҳзар* ва *сижил* атамаларининг илмий муомалага киритилиши ва соҳага оид асарларни яратишдан мақсад ижтимоий муносабатларга

тааллуқли ҳужжатларни тузиш қоидаларини яхлит бир тизимга келтириш бўлган.

18. Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида кўрилган ҳар бир даъво бўйича тузилган нотариал шартномаларда қозилар маҳкама жараёнининг юксак савияда, тартиб ва кетма-кетлик асосида олиб бориши, даъвогар, жавобгар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини расмийлаштириши мураккаб маҳкама жараёнларининг ўзаро тенглик ва адолат тамойилларига таянган ҳолда чуқур мулоҳазакорлик ва бағрикенглик асосига қурилганидан дарак беради. Маҳкама жараёнини бошқарган қозилар ҳар бир даъвогар, жавобгар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини алоҳида эътибор билан эшитганлар, ишнинг ҳар қандай нозик нуқталари *махзар* ҳужжатларига киритилган. Мазкур ҳолатда низолашаётган тарафлар ёки ижтимоий муносабатга киришаётганларнинг шахси, насаби, яшаш жойи, ибодат қиладиган масжидларигача қайд этилиши ёки маҳкама иштирокчиларига нотаниш иштирокчидан шахсини тасдиқловчи гувоҳ ёки ҳужжатнинг талаб этилиши Мовароуннаҳр тарихида ҳам ўн аср олдин инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтлар, эркин фуқаролик жамиятлари фаолият юритган деган хулосани илгари суришга асос бўлади.

19. X-XIII асрларда Бухоро ва Самарқанд қозилик маҳкамаларида тузилган юксак ҳуқуқ ижодкорлиги намуналари, замонавий нотариуслар томонидан амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан кескин фарқ қилмаган. Ушбу яқинлик рус тадқиқотчиси Н.С.Ларьков томонидан илгари сурилган нотариат амалиёт Ғарбдаги капиталистик муносабатларнинг кенгайиши натижасида вужудга келди, деган хулосасини янгилашга имкон беради. Чунки тадқиқ этилган манбалар Ўзбекистонда нотариал ҳаракатлар собиқ иттифоқ даврида Ғарбдан ўзлаштирилган янги соҳа эмас, балки Мовароуннаҳр диёрларида фаолият юритган қозилик маҳкамаларига оид манбалар, дунё миқёсида нотариал идоралар фаолиятининг дастлабки тарихий кўринишларига ўн аср олдин асос солинганини тасдиқлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ИСЛАМСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИСЛАМСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**БЕКМИРЗАЕВ ИЛХОМЖОН ИСРОИЛЖОНОВИЧ**

**ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ И НОТАРИАЛЬНЫЕ АКТЫ СОЦИАЛЬНЫХ  
ОТНОШЕНИЙ МАВЕРАУННАХРА X-XIII ВЕКОВ**

**07.00.05 – История и источниковедение ислама**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Tar36**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском исламском университете.

Автореферат докторской диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный консультант:** **Исламов Зоҳиджон Махмудович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Уватов Убайдулла Мурадович**  
доктор исторических наук, профессор

**Муминов Аширбек Курбанович**  
доктор исторических наук, профессор

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна**  
доктор юридических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Институт Востоковедения**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 при Ташкентском исламском университете при Кабинете Министров Республики Узбекистан (Адрес: 100011, г.Ташкент, ул. А.Кадыри, дом № 11, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: [tiuxab@mail.ru](mailto:tiuxab@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского исламского университета. (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 100011, г.Ташкент, ул. А.Кадыри, дом №11, Тел.: (99871) 244 00 91.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**А.А.Хасанов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.и.н., профессор

**Д.А.Рахимджанов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
к.и.н., доцент

**С.С.Агзамходжаев**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.и.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях обострения идеологической борьбы и конфликтов, связанных с религиозным фанатизмом, необходимость их мирного разрешения обуславливает проведение исследований на основе новых взглядов и подходов к исламским наукам. В данном контексте особую значимость приобретает изучение просветительского ислама, правовых отношений между человеком и обществом, а также этапов их развития. «Мы считаем важной задачей доведение до сведения всего мирового сообщества истинную гуманную суть ислама. Ибо ислам призывает нас к добру и миру, обереганию истинных человеческих достоинств»<sup>1</sup>.

Факихи – ученые и мыслители из Маверауннахра, проживавшие в средние века, оставили в наследство после себя большое количество уникальных рукописных источников. Только в книжных фондах Узбекистана насчитывается свыше 100 тысяч рукописных трудов. Их основная часть включена в Список всемирного наследия ЮНЕСКО. Еще не привлеченные к исследованию рукописи ученых и мыслителей средневекового Востока составляют «Золотой фонд» библиотек нашей страны, а также множества зарубежных стран, таких как Великобритания, Германия, Испания, Россия, Франция, Египет, Индия, Иран. Хранение в этих фондах источников, относящихся к истории общественных отношений нашей страны требует проведения исследований по их введению в научный оборот в еще более широком масштабе.

За годы независимости осуществлены широко-масштабные меры по всестороннему изучению богатого культурного, научного и духовного наследия узбекского народа, восстановлению истинной гуманной сущности исламской религии. С приобретением независимости формирование национальной государственности и религиозных ценностей получило полноценный статус и нашло свое отражение в политико-правовой практике. По своей сути, данный процесс стал необратимым в политическом, правовом, духовном и культурном развитии общества. «Великая история не исчезает бесследно. Она хранится и воспроизводится в генетическом коде народа, в его исторической памяти и в его деяниях. Сохранение и изучение. Передача из поколения в поколение исторического наследия является одним из главных приоритетов нашего государства»<sup>2</sup>. В этой связи особую актуальность приобретают теоретические и комплексные исследования первоисточников, свидетельствующих о высокой правовой культуре, сформировавшейся на основе национального менталитета и исламских ценностей, а также деятельности института

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ma'rifat, 2017 йил, 20 сентябрь.

<sup>2</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на церемонии открытия 43-й сессии совета министров иностранных дел организации Исламского сотрудничества // Народное слово, 19 октября, 2016 года.

казийства, представляющего собой историческую форму судебных учреждений.

Данное исследование может послужить решению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях от 24 мая 2017 года ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, изучения и пропаганды древних письменных источников» и от 23 июня текущего года ПП-3080 «О мерах по организации Центра исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан». В частности, работа будет посвящена глубокому изучению произведений мыслителей исламского мира, являющихся нашими великими предками, и их вклада в развитие всемирной цивилизации, близкого ознакомлению молодого поколения с жизнью и научным наследием факихов, являвшихся творцами права, воспитанию чувств уважения, национальной гордости и чести по отношению к ним.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Изучение духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также непрерывности образования, воспитания совершенного поколения».

### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.**

Научные исследования, посвященные изучению казийских канцелярий, которые вели деятельность в X-XIII веках, а также общественно-исторических, правовых аспектов процессуальных и нотариальных актов, созданных в мусульманском мире в этот период, ведутся в ведущих научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, как Heidelberg University, Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg, Berlin Freie University (Германия), Cambridge University, University of Oxford (Великобритания), Columbia University, Cornell University, Illinois University (США), The Faculty of Law and Economics of Paris University, University of Lyon (Франция), Academy of Notaries Institute Hispano-Arab Culture, University of Granada (Испания), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия), McGill University (Канада), Jerusalem University (Израиль), Damascus University (Сирия), Cairo

---

<sup>3</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе интернет-сайтов [http://www. Islamwissenschaft.uni-heidelberg.de](http://www.Islamwissenschaft.uni-heidelberg.de); [http://www. orient.uni-freiburg.de](http://www.orient.uni-freiburg.de); [http://www. geschkult.fu-berlin.de/e/islamwissenschaft](http://www.geschkult.fu-berlin.de/e/islamwissenschaft); [http://www. cis.cam.ac.uk](http://www.cis.cam.ac.uk); [http://www. notariespublic-ni.org.uk](http://www.notariespublic-ni.org.uk); [http://www. ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); [http://www. mei.columbia.edu](http://www.mei.columbia.edu); [http://www. neareasternstudies.cornell.edu](http://www.neareasternstudies.cornell.edu); [http://www. csames.illinois.edu/program/islamic studies](http://www.csames.illinois.edu/program/islamic_studies); [http://www. u-psud.fr](http://www.u-psud.fr); [http://www. univ-lyon2.fr/islamicstudies](http://www.univ-lyon2.fr/islamicstudies); [http://www. notary-courses.com](http://www.notary-courses.com); [http://www. ugr.university/...programmes/arab-and-islamic-studies](http://www.ugr.university/...programmes/arab-and-islamic-studies); [http://www. naher-osten.uni-muenchen.de](http://www.naher-osten.uni-muenchen.de); [http://www. ulb.ac.be/assoc/aip/liens](http://www.ulb.ac.be/assoc/aip/liens); [http://www. mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies](http://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies); [http://www. masaisrael.org/programs/hebrew-university-ma-islamic-and-middle-east](http://www.masaisrael.org/programs/hebrew-university-ma-islamic-and-middle-east); [http://www. damasuniv.edu.sy](http://www.damasuniv.edu.sy); [http://www. darelom.cu.edu.eg](http://www.darelom.cu.edu.eg); [http://www. isam.org.tr](http://www.isam.org.tr); [http://www. kazankiu.ru](http://www.kazankiu.ru); [http://www. tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz); [http://www. tiu.uz](http://www.tiu.uz). и других источников.



University (Египет), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library (Турция), Поволжский (Казанский) федеральный университет (Россия), Институт востоковедения при академии науки, Ташкентский исламский университет (Узбекистан).

В мировом масштабе был получен ряд результатов по изучению процессуальных и нотариальных актов, касающихся общественных отношений в мусульманском мире, в том числе, нижеследующие: классифицированы правовые термины, относящиеся к процессуальным и нотариальным актам, составленным в IX-XII веках в казийских учреждениях городов Андалусии, как Гранада, Кордова и Толедо, а также выработан историко-правовой, источниковедческий подход, направленный на их изучение (Academy of Notaries Institute Hispano-Arab Culture in Madrid); раскрыто влияние на общественно-культурную жизнь, образ жизни мусульманских народов и их правовые воззрения нотариальных актов, относящихся к торговле и составленным казиями Ирака и Ардебиля в X-XIII веках на тюркском, арабском и персидском языках, а также выработана научная концепция исторического, филологического и правоведческого подхода к ним (Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg); систематизированы правила, употреблявшиеся при оформлении процессуальных и нотариальных документов, составленных в исламском мире в X-XIII веках (McGill University); раскрыты присущие стили, использовавшиеся в написании правовых документов, составленных на арабской письменности и относящихся к торговле, семейным и уголовным делам, научное значение их общественно-исторических, правовых аспектов (International Society of Arabic Papyrology).

По истории процессуальных и нотариальных актов X-XIII веков, созданных в мусульманском мире, ведется ряд исследований, в частности, по следующим приоритетным направлениям: гражданские институты, восточный образ защиты прав человека, исторические основы демократических принципов в исламском мире, духовно-просветительские, историко-правовые, источниковедческие функции произведений творцов права (факихов), оказавших влияние на развитие правовой культуры в истории, традиции применения на практике в Средней Азии и мусульманском мире правовых порядков, присущих средневековью, а также генезис, эволюция взаимоотношений между религией и личностью, обществом и человеком, влияние социальных, экономических, религиозных факторов в управлении обществом.

**Степень изученности проблемы.** Ученые, писавшие произведения в жанре *табака́т* (био-библиографик), дали общие сведения о жизни и научно-духовном наследии факихов, живших в X-XIII веках и написавших труды, касающиеся образцов процессуальных и нотариальных актов, использовавшихся в казийских учреждениях. В частности, опираясь на сведения о жизненном пути и произведениях факихов, живших в X-XIII веках, которые нашли свое отражение в трудах таких ученых, как Мухаммад ибн Исхак Надим (ум. 387/997 г.), Абу Са'д Сам'ани

(ум. 562/1167 г.), Захаби Мухаммад ибн Ахмад (ум. 748/1347 г.), ‘Абдулкадир Кураши (ум. 775/1373 г.), Ибн Кутлугбуга (ум. 879/1475 г.), Махмуд ибн Сулайман Кафави (ум. 990/1582 г.), Ташкубризаде, Хаджи Халифа (ум. 1017/1609 г.), ‘Абдулхай Лакнави (ум.1304/1887 г.) и Карл Броккельман (ум. 1956 г.), были выявлены личность, труды и научная деятельность факихов, изученных в процессе исследования.

Ученый исламовед А.К.Муминов в своей докторской работе остановился на религиозно-политической деятельности ханафитских факихов, живших и творивших в центральных городах Маверауннахра в X-XIII веках<sup>4</sup>.

Узбекистанские исследователи, как Б.А.Казаков, О.Д.Чехович<sup>5</sup> исследовали официальные и исторические документы, составленные в казийских учреждениях Маверауннахра, которые сегодня хранятся в Бухарских областных библиотеке и музее, фонде Кушбеги Государственного архива Узбекистана. Эти источники написаны в период от монгольского нашествия до завоевания Царской Россией.

О.Д.Чехович в течение своей научной деятельности исследовала правовые акты XIV-XVIII веков, составленные в казийских учреждениях Бухары и относящиеся к различным сферам. Кроме того, важно отметить, что она дала необходимые сведения о вакуфных и различных судебных документах, связанных с семьей и владением имуществом, которые касаются истории Бухары XIV-XVIII веков<sup>6</sup>.

На Востоке произведения факихов Маверауннахра, касающиеся темы исследования, были изучены с источниковедческой и историографической точки зрения такими учеными, как Мухаммад Вахба Зухайли, Таха Ахмад Хасан Хафини Магази, Мухаммад Сагир Хасан Ма‘суми, Мамдух Хасан Бадави<sup>7</sup>.

Первоначально источники по «шурут» (شروط), т.е. по науке составления нотариальных договоров были изучены немецким ученым Йозефом

---

<sup>4</sup> Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв): Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ТИУ, 2003. – 304 с.

<sup>5</sup> Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 87; Bahadir Kazakov. Bukharan documents: the collection in the District Library, Bukhara // Translated from the Russian by Jürgen Paul. Journal ANOR № 9. Halle: Institut für Orientalistik, 2001. – 103 с; Исломов З.М. Ташкент ислом университети Манбалар хазинасидаги фикхий асарлар тахлили // ТИУ илмий-тахлилий ахбороти. – Ташкент, 2004. – № 1. – Б.4-8.

<sup>6</sup> Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Выпуск 1. Акты феодальной собственности на землю XVII-XIX вв. – Ташкент: Наука, 1954. – 268 с; Ее же. Бухарские документы XIV века. – Ташкент: Наука, 1965. – 332 с. – С. 135, 136, 142, 186, 190, 206; Ее же. Черты экономической жизни Мавараннахра в сочинениях по фикху и шуруту, Ближний и Средний Восток Товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: Наука, 1980. – 227 с.

